



UDC: 632.421

## МИРИШКОР МАГИСТРАЛ КАНАЛИ ТИЗИМИДАГИ САРФНИ ҮЛЧАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

**Арифжанов Айбек Мухамеджанович,**  
техника фанлари доктори, профессор,  
e-mail: www.obi-life@mail.ru,  
ORCID: 0000-0003-2599-4892;

**Самиев Лукмон Наимович,**  
техника фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент,  
e-mail: www.obi-life@mail.ru,  
ORCID: 0000-0003-4491-3752;

**Хошимов Сардорбек Нематжон ўғли,**  
докторант,  
e-mail: xoshimov.50907@gmail.com;

**Бабажанов Фаррухбек Каримович,**  
докторант,  
e-mail: babajanovf86@mail.ru

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти

**Аннотация.** Мақолада бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган сув хўжалиги тизимларида сув сарфини ўлчаши масаласи кўриб чиқилган. Таъдиқот обьекти сифатида Миришкор магистрал каналидан сув олувичи УР-6 А сугорииш канали танланган. УР-6 А сугорииш каналининг ПК-1+00-пикетида Миришкор ирригация тизими бошқармаси гидрометр ходимлари билан биргаликда “ГР-21м1” маркали вертушка ҳамда “SonTek” S5 маркали доплер ёрдамида дала тадқиқотлари олиб борилган. Ўлчов ишларида иккита ўлчов воситаларининг аниқлик даражаси, ўлчов жойида фойдаланиши қулайлиги ва иқтисодий самараадорлиги таҳлил қилинган. Ўлчов натижаларига кўра, гидрометрик вертушка орқали аниқланган ўртacha сув сарфи  $Q=2,39 \text{ m}^3/\text{s}$ , доплер ёрдамида ўлчангандан ўртacha сув сарфи  $Q=2,261 \text{ m}^3/\text{s}$  ни ташкил этди.

**Калит сўзлар:** канал, оқим, тезлик, сув сарфи, вертушка, тезлик майдони, кесим юзаси.

### ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИЗМЕРЕНИИ РАСХОДОВ В СИСТЕМЕ МАГИСТРАЛЬНОГО КАНАЛА МИРИШКОР

**Арифжанов Айбек Мухамеджанович,**  
доктор технических наук, профессор;

**Самиев Лукмон Наимович,**  
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент;



Хошимов Сардорбек Нематжон угли  
докторант;

Бабажанов Фаррухбек Каримович  
докторант;

Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы измерения расхода воды в системах водного хозяйства, что на сегодняшний день является одной из самых актуальных проблем. В качестве объекта исследований выбран оросительный канал УР-6 А, забирающий воду из магистрального канала Мишишкор. На пикете ПК-1 + 00 оросительного канала УР-6 А проведены полевые исследования совместно с гидрометрами управления ирригационных систем Мишишкор с помощью вертушки марки «ГР-21м1», а также доплера «SonTek S5», проанализирована в измерительных работах степень точности двух измерительных приборов, удобность использования на месте измерения, экономическая эффективность. Согласно результатам измерений, средний расход воды, определенный по гидрометрической вертушке, составил  $Q = 2,39 \text{ м}^3/\text{с}$ , средний расход воды, измеренный с помощью доплера, составил  $Q = 2,261 \text{ м}^3/\text{с}$ .

**Ключевые слова:** канал, поток, скорость, расход воды, вертушка, поле скоростей, площадь живого сечения.

## EFFICIENCY IN USING MODERN TECHNOLOGIES FOR MEASURING FLOWS IN THE MIRISHKOR TRUNK CHANNEL SYSTEM

**Arifjanov Aybek Muxamedjanovich,**  
Doctor of Technical Sciences, Professor;

**Samiyev Luqmon Nayimovich,**  
PhD, Docent;

**Xoshimov Sardor Nematjon ugli,**  
Doctoral Student;

**Babajonov Farrux Karimovich**  
Doctoral Student

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

**Abstract.** The article discusses the issues of measurements of water consumption in water management systems, which is regarded as one of the most pressing problems nowadays. The UR-6 A irrigation canal, which brings water from the Mirishkor main canal, was selected as the subject of the study. The field studies carried out at the PK-1 + 00 picket of the UR-6 A irrigation canal, together with hydrometers of the Mirishkor irrigation systems control using a GR-21m1 spinner as well as a SonTek S5 doppler, analyzed the degree of accuracy of the two measuring instruments, the ease of their use at the measurement site as well as economic efficiency. According to the measurements, the average water flow, determined by



the hydrometric spinner, was  $Q = 2.39 \text{ m}^3/\text{s}$ , the average water flow, measured using the Doppler tool, was  $Q = 2.261 \text{ m}^3/\text{s}$ .

**Keywords:** channel, flow, velocity, water flow rate, spinner, velocity field, area of the free cross-section.

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Орол денгизи ҳавзасида жойлашган бўлиб, унинг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё дарёлари, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувларидир. Орол денгизи ҳавзасидаги барча манбаларнинг ўртacha кўп йиллик сув оқими 116 млрд  $\text{m}^3$  ни ташкил этиб, шундан 67,4% Амударё ва 32,6% Сирдарё ҳавзасида шаклланади. Жумладан, ер ости сувларининг умумий захираси  $31,2 \text{ m}^3$  метрни ташкил этиб, унинг 47,2% Амударё, 52,8 фоизи эса Сирдарё ҳавзасига тўғри келади.

Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларига мувофиқ, ўртacha кўп йиллик сув олиш лимити  $64 \text{ млрд m}^3$ . Шу билан биргаликда, 1980 йилларда республиканинг йиллик сув истеъмоли кўп йиллик лимит доирасида бўлиб, сўнгти йилларда глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, трансчегаравий сувдан фойдаланиш муаммолари туфайли фойдаланилган ўртacha йиллик сув миқдори  $51\text{--}53 \text{ млрд m}^3$ , жумладан, 97,2% дарё ва сойлардан, 1,9% коллектор тармоқларидан, 0,9% эса ер остидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20% га қисқарган.

Республикада сугориладиган ер майдони 4,3 млн гектарни ташкил этиб, жами сув ресурсларининг ўртacha 90-91% қишлоқ хўжалиги, 4,5%, коммунал-маиший хўжалик соҳаси, 1,4% саноат, 1,2% балиқчилик, 0,5% иссиқлиқ энергетикаси ва 1% эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдаланилган.

Сўнгти йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги обьектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор таомиллари ва механизмлари ҳамда рақамили технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги обьектларининг ишончли ишлшини таъминлаш, шунингдек, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилди.

Концепциянинг асосий мақсадларидан бири қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ҳамда соҳада автоматлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади. Маълумки, сув хўжалиги тармоқларидаги асосий муаммолардан бири сув ресурслари сарфини аниқ бошқариш ҳамда сувни истеъмолчиларга сувдан фойдаланиш режаси асосида аниқ етказиб бериш ҳисобланади [1; 2]. Лекин сувни етказиб берувчи суфориш каналларининг жуда кўп қисми грунт ўзанли ҳисобланиб, фильтрация натижасида сув ўйқотилиши юзага келади. Бундан ташқари, сув тақсимлаш иншоотларида сув сарфини аниқ ўлчаш ва экин майдонлари учун сув сарфини тўғри тақсимлаш мухим вазифалардан саналади [3; 4].

## Материал ва методлар

Статик ва динамик мустаҳкам каналларнинг гидравлик ҳисобига доир изланишлар С.Т. Алтунин, С.Х. Абальянц, Ц.Е. Мирцхулава ҳамда юртимиз олимларидан К.Ш. Латипов, А.М. Мухамедов, Р.М. Каримов, Х. Ишанов, А. Арифжанов, А.М. Фатхуллаев ва бошқа тадқиқотчилар томонидан олиб борилган [5]. Яъни улар каналлар гидравлик параметрлари ўзгариши орқали каналдаги оқимнинг гидравлик параметрлари ўзгариб бориши ва бунинг




натижасида магистрал каналларнинг сув ўтказиш қобилиятининг пасайиши, деформацион жараёнлар юзага келиши каби муаммоларни ўрганган [6]. Албатта, бундай муаммолар қишлоқ хўжалиги тизими ва иқтисодий тармоқларга салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, қишлоқ хўжалигига ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув билан таъминланганлик даражасига боғлик. Қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланиш режасига асосан, экин майдонларининг йиллик сув сарфи, кам сувли даврларда эса лимит сув сарфи декадалар бўйича олдиндан ҳисобланниб тасдиқланади [7]. Вегетация давридаги энг долзарб муаммолардан бири сувдан фойдаланиш режаси асосида сувни тўғри тақсимлаш, сарфни аниқ ўлчаш орқали каналдаги сув сарфини бошқариш ҳисобланади [8].

Афсуски, ҳозирги кунда сув ўлчаш асбобларининг вақтида тарировка қилинмаслиги сув ўлчаш жараёнида инсон омили иштирокининг интенсивлиги каналдаги сув сарфини аниқ тақсимлаш ва бошқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда [9]. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун сув хўжалиги тармоқларидаги сув тақсимлаш иншоотлари, сув етказиб берувчи каналларда сув сарфини тўғри бошқариш ҳамда сув сарфини ўлчашда замонавий автоматик бошқарилувчи сув ўлчаш технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқоридаги омиллар натижасида қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида қатор муаммолар келиб чиқмоқда [10].

Миришкор ирригация тизими бошқармаси ҳисобида бўлган Миришкор магистрал канали 1973 йилда куриб ишга туширилган. Каналнинг умумий узунлиги 118,87 км, суфориш майдони 106 954 га, бош қисмидаги лойиҳавий сув ўтказиш қобилияти  $149,9 \text{ м}^3/\text{s}$  ни ташкил қилиб, Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси ҳисобидаги Қарши бош канали насос станциялари каскади таркибидаги тўртинчи ва бешинчи насос станциялари оралиғидаги ПК 657+50 дан сув олади (1-расм).

Миришкор магистрал каналининг 23,5 км, яъни ПК 0+00 дан ПК 235 гача бўлган қисми Туркманистон давлати худудидан ўтади. Миришкор магистрал каналининг ПК 794, ПК 853, ПК 933, ПК 1140 + 40 пикетларига сув тўсувчи иншоотлар ўрнатилган. Бундан ташқари, Миришкор магистрал каналининг ПК-853 даги сув тўсувчи иншоотида айланма канал мавжуд бўлиб, 1992 йилда реконструкция ишларидан кейин каналнинг сув ўтказиш қобилияти оширилган [11].



1-расм. Миришкор магистрал каналининг схематик режаси

Тадқиқот обьектининг юқорида келтирилган бир нечта пикетларида, замонавий ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда, тажрибалар ўтказилди ҳамда аниқ маълумотлар олинди.

Юқорида баён этилган муаммолардан бири бўлган сув истеъмолчиларининг сувга бўлган талабини тўла қондира олмаслик каналларда сув ресурсларини аниқ ва самарали бошқариш имконияти пастлигидан келиб чиқмоқда. Бугунги кунда амалиётда каналларда сув сарфини ҳисоблаш бўйича энг кўп тарқалган усул бу оқим тезлиги ва унинг кўндаланг кесимини аниқлаш, сўнгра сув сарфини ҳисоблаш усулидир. Бу усул фанда тезлик майдон усули деб аталади [12].



Оқимнинг кўндаланг кесими орқали оқиб ўтган сарф микдорига тенг бўлган сув



сарфи моделини аниқлаш “тезлик майдон” усули моҳияти ҳисобланади ва қуидагича тавсифланади (2-расм).

Маълумки, сувнинг оқиш тезлиги оқимнинг ҳаракат кесим юзасининг турли нуқталарида ҳар хил қийматга эга бўлади: энг катта тезлик оқим юзасида, энг кичик тезлик эса канал қирғоқлари ҳамда тубида кузатилади [13]. Шунга мос равишда жон-

ли кесим юзасининг турли кесимларидаги элементар майдончалар орқали оқиб ўтадиган сув сарфи ҳам ҳар хил бўлади. Ҳисоблаш ишларида сув сарфи ҳар бир элементар майдончадаги оқим тезлигининг шу майдонча юзасига кўпайтириб аниқланади ва барча элементар майдончалардаги сув сарфи орқали умумий сув сарфини аниқлаш мумкин [14].



**2-расм. Сув сарфи модели ҳамда унинг элементи**

Тадқиқот миришкор магистрал каналидан сув олувчи УР-6 А сугориш каналининг ПК-1+00 чи пикетида жойлашган сув ўлчаш ишларини олиб боришга мўлжалланган гидрометрик кўприкдан фойдаланган ҳолда амалга оширилди [16]. Яъни УР-6 А

сугориш каналининг ПК-1+00 чи пикетида Миришкор ирригация тизими бошқармаси гидрометр ходимлари билан биргаликда “ГР-21м1” маркали вертушка ҳамда “SonTek” S5 маркали доплер ёрдамида ўлчов ишлари олиб борилди (3-расм).



**3-расм. Сув сарфини ўлчаш воситалари:**

**а) “ГР-21м1” маркали вертушка;**

**б) “SonTek” S5 маркали доплер**



Тадқиқотнинг биринчи босқичида ўлчов ишлари ГР-21м1 маркали вертушка билан сугориш каналидаги оқим кенглиги ва

чуқурлигини инобатга олган ҳолда, хусусан, оқимнинг кўндаланг кесими бўйича чап қирғоқдан ўнг қирғоққача бешта нуқтасида



ҳамда оқим чуқурлигининг меъёрий талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди [16]. Ўлчов ишларини олиб боришда гидрометрик вертушка штангасидан фойдаланиб, оқим кўндаланг кесими бўйича вертикал нукталар сони ва улар орасидаги ма софалар ҳамда каналдаги оқимнинг  $h$  чуқурлиги аниқлаб олинди. Ўлчов ишларини бошлидан олдин ГР-21М1 маркали вертушка каналдаги оқимга туширилди ва ишчи ҳолати текширилди [17]. Шундан сўнг белгилаб олинган вертикал нукталардан ўтаётган сув тезлигини аниқлаш жараёни бошланди. Бунда секундомер ишчи ҳолатга келтирилди, гидрометрик вертушка каналдаги оқимнинг меъёрий чуқурлигига туширилиб, вертушка орқали узатиладиган сигнал ҳамда айланишлар сонига сарфланган вақт ва натижалар қайд этиш жадвалига ёзиб борилди. Шу тариқа барча белгиланган вертикал нукталарда тажриба ўлчов ишлари олиб борилди ва олинган маълумотлар тезлик майдон усулидан фойдаланиб ҳисбланди [18; 19].

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида SonTek корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган “SonTek S5” маркали доплер ёрдамида УР-6 А сугориш каналининг ПК-1+00 чи пикетида ўлчов ишларини амалга ошириш учун ўлчов аппарати ва дастурий таъминоти ишга туширилди. Дастурий таъминот ишга туширилгандан сўнг ўлчов жойи ҳақида бирламчи маълумотлар киритилди. Ўлчов аппарати ўзига қабул қилган маълумотларни дастурий таъминот (ЭҲМ) дастурига радио тўлқинли алоқа орқали узатади. Олинган натижалар аниқлигини ошириш мақсадида ўлчов аппарати белгиланган пикетда оқим узунлигига нисбатан горизонтал ҳолатда биринчи қирғоқдан иккинчи қирғоқка, сўнгра ўша горизонтал текислик бўйича аста-секинлик билан орқага кайтариб ўтказилади. Аниқланган натижалар ЭҲМ дастурида автоматик равища қайта ишланиб, фойдаланувчига керакли аниқ маълумотларни етказиб беришга хизмат қиласади (4-расм).



4-расм. SonTek S5 маркали доплернинг ишлаш принципи

Табиий дала тадқиқотлари доирасида гидрометрик вертушка орқали ўлчанган натижалар ҳисбланди ҳамда замонавий “SonTek” S5 маркали доплер ёрдамида аниқланган маълумотлар билан ўзаро таққосланди.

#### Тадқиқот натижалари ва таҳлили

Миришкор магистрал каналидан сув оловучи УР-6 А сугориш каналида олиб борилган илмий изланишлар давомида ҳозирда фойдаланишда бўлган сув сарфини ўлчаш гидрометрик вертушка ҳамда замо-


навий доплер аппаратининг ўлчов натижаларининг аниқлиги, фойдаланишда келиб чиқадиган қийинчиликлар ва қулайликлар, иқтисодий самарадорлиги ҳамда каналларда сув сарфини бошқаришдаги аҳамияти ўрганилди.

Каналдаги оқим кенглиги ва оқим чуқурлигини инобатга олган ҳолда, гидрометрик вертушка орқали сув сарфини аниқлашда оқимнинг кўндаланг кесим юзаси шакллантириб олинди. Бунинг учун чап қирғоқда ноль нуктадан вертикал-



лар орасидаги масофалар йиғиндиси ўнг қирғоққача бирлаштирилди ва оқимнинг **B** эни аниқланди ҳамда оқим чуқурлигининг

**h** нүқталари чизиклар орқали бирлаштирилди ва қуйидаги чизмада акс эттирилди (5-расм):



**5-расм. УР-6 А сугориш каналининг ПК-1+00 пикетида ГР-21 м1 маркали вертушқа орқали аниқланган қўндаланг кесим юзаси**

Чизиб олинган кесим юзаси бир нечта ҳар хил элементар шаклли бўлакларга ажратилади ва элементар шаклнинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, унинг  $\omega_n$  элементар юзаси аниқланади ва шу элементар юзадаги ўртacha  $\vartheta_n$  тезликни хисоблаш зарур.

Олинган ўлчов натижалари орқали назарий формулалар ёрдамида ҳисоблар бажарилиб, оқимнинг ўртача тезлиги аниқланди:

$$\vartheta_n = \left( \frac{\sum \vartheta'}{n} + \frac{\sum \vartheta}{n} \right) \cdot \frac{1}{2};$$

Оқим тезлиги аниқлангандан сўнг элементар юзадаги сув сарфи хисобланади:

$$q_n = \omega_n \cdot \vartheta_n;$$

Барча элементар юзалардаги сув сарфи аниқлангандан сўнг каналдаги умумий сув сарфи қуйидагича хисобланади:

$$Q = \sum q_n;$$

Тадқиқотнинг ГР-21м1 маркали вертушқа билан ўлчанган натижалари қуйидаги жадвалга киритилди:

### 1-жадвал

**ГР-21м1 маркали вертушқа орқали ўлчанган қийматларни ҳисоблаш жадвали**

Вертикаллар	Вертикал орасининг масофаси $b, м.$	Вертикал чуқурлик $h, м.$	Вертикаллар орасидаги ўртача чуқурлик, $m.$	Вертикал оралиги майдони, $m.$	Кузатув нүкстаси чуқурлиги, $m.$	Паррак айланниш сони	Кузатишнинг давом этиши					Умумий айланниш сони	Парракнинг 1 сек. айланниш сони	Нуктадаги тезлик	Вертикаллар тезлиги $\vartheta, м/с$	Вертикаллар ўртача тезлиги $\vartheta, м/с$	Вертикаллар орасидаги сув сарфи $Q, м^3/с$	
							I	II	III	IV	V							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	
Чап кирғоқ		0																
	0,59		0,195	0,115											0,79		0,09	
1	0,39				0,23	12	60					240	4	0,88				
	0,59		0,62	0,37												0,97		0,27
2	0,85				0,51	15	62					300	4,83	1,06				
	0,82		0,84	0,69												1,155		0,7
3	0,83				0,5	18	63					360	5,71	1,25				
	0,82		0,825	0,67												1,275		0,8
4	0,82				0,5	18	61					360	5,9	1,3				
	0,67		0,65	0,43												1,18		0,43
5	0,47				0,28	15	62					300	4,83	1,06				
	0,67		0,236	0,16												0,95		0,1
Үнг кирғоқ		0																2,39



Юқоридаги жадвалда табиий дала шароитида ўлчанган қийматлар, назарий формулалар орқали ҳисобланган натижалар ҳамда каналдаги оқимнинг умумий сув сарфи келтирилди. Қуйин-

даги жадвалда эса келтирилган табиий дала шароитида ўлчанган қийматлар ҳамда назарий ҳисоблаш натижаларининг ўзаро мутаносибилиги гистограммаси акс этган (6-расм).



6-расм. Оқим гидравлик элементларининг ўзаро боғлиқлиги

Олинган натижаларни таққослаш мақсадида замонавий “SonTek” S5 маркали

доплер ёрдамида УР-6 А суғориш каналида ўлчов ишлари олиб борилди (7-расм).



7-расм. “SonTek” S5 маркали доплер ёрдамида сув сарфини ўлчаш жараёни



Маълумотлар аниқлигини ошириш мақсадида каналнинг битта кесимида доплер ёрдамида бир неча марта ўлчов

ишлари ўтказилди. Ўлчов воситасининг ишлаш жараёни шундан иборатки, аппарат ҳар бир сонияда нур узатади ва уза-



тилган нур оқим тубига урилғандан сүнг үзиге қайтиб келади ва маълумотлар қай-

та ишланиб, дастурий таъминотга узатилади (8-расм).



**8-расм. ЭХМ дастурига узатилган маълумотлар таҳлили**



Дастурий таъминот ҳар бир сониядаги натижаларни қайта ишлаб, каналнинг кўндаланг кесим юзаси, ўртacha тезлик, оқим чуқурлиги ва каналдаги сув сарфи каби маълумотларни таҳлил қилиб беради. Юқоридаги расмда оқим тезлиги каналнинг турли кесимларида тезлик миқдорига қараб турли ранглар ва элементар тўғри тўртбурчаклардан ташкил топгани акс этган. Демак, ЭҲМ дастурида ҳам оқим кўндаланг кесим юзасини элементар юзачаларга ажратиб, шу юзачалардаги тезлик ва сув сарфини ҳисоблаш алгоритмини кўриш мумкин.

Иzlанишлар натижаларини таққослаш орқали ўлчов воситалари самарадорлиги, аниқлиги ва иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги ўрганилди. Ўлчов воситаларининг иқтисодий самарадорлигига шу нарса боғлиқки, гидрометрик вертушка орқали сув сарфини ўлчашда энг камида уч кишининг меҳнати талаб қилинади. Шунингдек, магистрал каналларда бир марталик ўлчов ишлари учун канал параметрларига мос равишда бир неча соатлаб вақт сарфланади ҳамда олинган натижаларни қайта ишлаш, натижалар таҳлили учун ҳам бирмунча вақт талаб қилинади. Замонавий технологиялардан фойдаланиб, сув сарфини ўлчаш масаласига эътибор берсак, доплер ёрдамида маълумотлар олиш учун икки киши етарли. Ўлчов жойи параметрларидан қатъи назар, жуда қисқа вақт ичида оқим кўндаланг кесим юзасининг умумий шакли, кесим юзасига мос равишда оқим чуқурлиги, оқим тезлиги, каналдаги ўртacha сарф каби маълумотларни электрон шаклда олиш мумкин. Бундан ташқари, олинган маълумотларни бошқа компьютер дастурларига экспорт қи-

либ фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд. Доплер ўлчов натижаларининг хатолигини 1-5% гача эканлигини инобатга олсак, сув хўжалиги тармоқларида сув сарфини ўлчашда доплердан фойдаланиш иш унумдорлигини ошириш, ўлчов натижаларининг аниқлигига эришиш ҳамда иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қиласди.

### Хулосалар

Мақолада миришкор магистрал каналидан сув олувчи УР-6 А сугориш каналининг ПК-1+00 чи пикетида олиб борилган тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлиллари келтирилган. Изланишлар давомида икки хил маркали оқимнинг гидравлик элементларини ўлчаш учун фойдаланиладиган ўлчов воситалари таққосланди. Оқимнинг гидравлик элементлари дастлаб вертушка ёрдамида аниқланди ҳамда ўлчов натижаларини олишга кетган вақт, каналда ўлчаш ишларининг қулайликлари ва натижаларининг аниқлиги тўғрисида хулоса қилинди. Тадқиқотда, шунингдек, оқимнинг гидравлик элементларини аниқлашда доплер ўлчов воситасидан фойдаланилган ўлчанган натижалар таҳлили, фойдаланишга қулайлиги, натижаларнинг аниқлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ҳақидаги хулосалар олинди. Демак, тадқиқот натижаларига кўра, ГР-21 м1 маркали вертушка ёрдамида ўлчанган сув сарфи  $Q = 2,39 \text{ m}^3/\text{s}$ , “SonTek S5” маркали доплер ёрдамида ўлчанган сув сарфи  $Q = 2,261 \text{ m}^3/\text{s}$  ни ташкил қилди. Ўлчов натижаларини инобатга олиб, сув хўжалиги тизимларида сув сарфини ўлчашда замонавий ўлчов воситаларининг аҳамияти тўғрисида зарур хулосаларга келинди.

### REFERENCES

1. Arifjanov A., Samiev L., Akmalov Sh. Dependence of Fractional Structure of River Sediments on Chemical Composition. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE), 2019, November, vol. 9, issue-1. ISSN: 2278-3075.



2. Dalabaev U., Arifjanov A., Apakhodjaeva T., Abduraimova D., Xoshimov S. Kinematic flow parameters during liquid movement in pressurized water pipelines. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 2020, May 19. DOI: 10.37200/IJPR/V24I5/PR2020666/.
3. Arifjanov A.M., Fatxullaev A.M., Samiev L.N., O'zandagi jarayonlar va daryo cho'kindilari. Monografiya [Ozan processes and river sediments. Monograph]. Tashkent, Publishing House, 2017, 191 p.
4. Jurik L., Zelenakova M., Kaletova T., Arifjanov A. Small Water Reservoirs: Sources of Water for Irrigation. The handbook of environmental Chemistry. Nitra, Slovaca, Elsevier, 2019, vol. 69, pp. 115-131.
5. Franz B., Freitas M. A. Generation and impacts of floating litter on urban canals and rivers. Rio de Janeiro megacity case study WIT Transactions on Ecology and the environment, 2012.
6. Arifjanov A.M. Method for calculation of the distribution of drift particles in variable section beds (VSB). Gidrotehnicheskoe stroitel'stvo – Hydraulic engineering, 2004, issue 2, pp. 44-45.
7. Fatkhulloev A., Gafarova A., and J.Hamraqulov J. The Importance of mobile applications in the use of standard water measurements. International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), Tashkent, Uzbekistan, 2019, pp. 1-3.
8. Akmalov Sh.B., Blanpain O., Masson E. Study of ecological changes in Syrdarya province by using the Remote Sensing GEOBIA analysis method. Irrigatsiya va melioratsiya jurnali – Journal of Irrigation and Land Reclamation, 2017, vol. 2, no. 8, pp. 15-19.
9. Fatkhullaev A. Samiev L. Channel processes and river sediments. Tashkent, 2017, 132 p.
10. Apakxujaeva T.U., Xazratov A.N., Ahmedov I.G'. Irrigatsion kanallarda daryo cho'kindilari taqsimoti va tarkibiy qismining tahlili. Globallashuv sharoitida suv xo'jaligini samarali boshqarish muammolari va istiqbollari. Mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqlolar to'plami [Analysis of the distribution and composition of river sediments in irrigation canals. Problems and prospects of effective water management in the context of globalization. Proceedings of the International Scientific-Practical Conference]. 2017, part 2, pp. 189-192.
11. Khodjiev A., Ikromova M., Akhmedkhodjaeva I., Xoshimov S. Calculation of accumulation volume and water loses in bottom sediments of bank reservoirs. CONMECHYDRO-2020.
12. Dimov D., Löw F., Uhl J.H., Kenjabaev Sh., Dubovyk O., Ibrakhimov M., Biradar Ch. Framework for agricultural performance assessment based on MODIS multitemporal data. Appl. Remote Sens., 2019, no. 13 (2), pp. 025509. DOI: 10.11117/1.JRS.13.025501/.
13. Debolsky V. The dynamics of channel flows and litho-dynamics in the coastal zone of the sea. Moscow, Nauka Publ., p. 301.
14. Eshev S.S., Khazratov A.N., Rahimov A.R., Latipov Sh.A. Influence of wind waves on the flow in flowing reservoirs. IIUM Engineering Journal, 2020, vol. 21, no. 2. DOI: <https://doi.org/10.31436/iiumej.v21i2.1329/>.
15. Arifjanov A., Atakulov D., Khoshimov S. Evaluation of sedimentation of water reservoirs with modern technologies. National Online Conference on Sustainable management of environment & natural resource through innovation in science and technology, 2020. SMTST 2020.
16. Apakhodjaeva T., Khodjiev A., Abduraimova D., Xoshimov S. Choosing an optimal satellite data for irrigation systems analyses in Uzbekistan. National Online Conference on Sustainable management of environment & natural resource through innovation in science and technology, 2020. SMTST 2020.



17. Arifzhanov A.M., Hazratov A.N., Rezhim nanosov i jekspluatacionnaja nadezhnost' orositel'nyh kanalov [Sediment regime and operational reliability of irrigation canals]. Russia, Perm. Innovative development, 2017, no. 5, pp. 10-11.
18. Hosseini J.M., Hashemy Sh.S.M., Neshat A. Effects of canal automation on reducing ground water extraction within irrigation districts. Case study of qazvin irrigation district Irrigation and Drainage, 2020.
19. Karimov S., Akbarov A., Jonqobilov U. Gidrologiya, gidrometriya va oqim hajmini rostlash. Darslik [Hydrology, hydrometry and flow rate adjustment. Textbook]. Tashkent, Uzbekistan Publ., 2004, 232 p.